

**ЖИГАР ЦИРРОЗИННИГ ТАРҚАЛИШ ЧАСТОТАСИННИГ ГЕНДЕРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА 21 ЙИЛЛИК ЎЗГАРИШЛАРИНИ АНДИЖОН  
ШАРОИТИДА ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ**

Н. С.Мамасолиев,

И. Р. Аскаров,

Н. С. Хакимов,

Б. У. Усмонов

Андижон давлат тиббиёт институти

### **Долзарблиги**

WHOSIS (2008) маълумотларига кўра, дунёда жигар цир-рози (ЖЦ) билан касалланиш, ҳар юз минг аҳолига 20-40 та бемор тўғри келганлиги эътироф этилган ва унинг тарқалиш частотаси, тадқиқотчиларнинг олган натижаларига бўйича, барқарор ўсишда давом этмоқда. Мавжуд адабиётлар тахлил кўрсатадики, жигар циррозларининг эпидемиологик тавсифлари ўзгариб бормоқда: деярли дунёнинг барча мамлакатларида касалликни барқарор ўсиши қайд этилмоқда. Бундан ташқари, ушбу касалликлари бор беморларда, юрак-қон томир каксалликларининг ривож-ланиш хавфи ошганлигини ҳам тасдиқлаб берилган. Тақдим этилган маълу-мотлар ва эпидемиологик тадқиқотлар, аҳоли орасида жигар циррозининг профилактикасига оид дастурларни амалга оширишда, ҳамда, ушбу ижтимоий аҳамиятли жигар касалликларини ўрганиш учун, истиқболли илмий мавзу-ларни белгилашда қимматли ва аҳамиятлидир.

**Иzlaniшning мақсади.** Жигар циррозининг тарқалиш частотасининг гендерлик хусусиятлари ва 21 йиллик ўзгаришларини Андижон шароитида тарқалишини ўрганиш.

**Иzlaniш материал ва усуllари.** Тадқиқотга 18-74 ёшли, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси бўлимларида сўровномали, биокимёвий, инструментал, функционал ва аутопсия усуllари билан тасдиқланган сурункали гепатит ва жигар циррози билан 2000-2020 йилларда даволанган бемор эркак ва аёллар популацияси (4585та) ўрганиб чиқилди.

**Иzlaniш натижалари.** Текширув натижалари қўйидагилардан иборат бўлди: жигар циррозлари катта ёшдаги аҳолида 73,5 фоиз, аёлларда 72,0 фоиздан тарқалиш частотаси билан аниқланди. Охирги 21 йилда аниқланиш частотаси 13,8 фоизга ёки 1, 2 мартача ортган. Гендерли фарқлари касалликни тарқалиш частотаси бўйича сезиларсиз даражада ифодаланади ( $P>0,05$ ). ЖЦ эркакларда – 74,4 фоиз ва аёлларда 72,0 фоиздан аниқланиш частотаси билан ҳарактерланади. Гендерлик хос жихатлар касалликни ўшиш суръатларида кузатилади, аёлларда ЖЦ 21 йилда 18,7 фоизга ва эркакларда 10,7 фоизга

кўпайиш билан, яъни 8,0 фоиз тафовут билан аёлларда ортиқ кўпайиб бориш тенденцияси хос бўлиб тасдиқланди ( $P<0,05$ ).

**Хуноса.** Жигар циррозини Андижоннинг катта ёшдаги аҳолиси орасида тарқалишини ва гендерлик хусусиятларини 21 йиллик клиник – эпидемио-логик мониторинг натижалари бўйича хос жихатга эга бўлиши аниқланди. Ушбу натижалар бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактик амалиётини ЖЦ га нисбатан илмий асосланган тарзда оптималлаштиради, ҳамда, прогноз-лаш жадваллари ва технологияларини яратиб бериш учун асос бўлиб хизмат қиласи.